

"Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинида "Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида 4 км. ички йўллар асфальтланади

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги "Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тӯғрисида"ги [карорига](#) асосан туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри "Менинг йўлим" лойиҳаси асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Бу тизим "Ташаббусли бюджет" жараёнларидан фарқли равишда ҳар йили бир маротаба ўтказилади.

Фурқат туманида жорий йилда "Менинг йўлим" лойиҳасида "Калдушон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўлларни таъмирлаш ташаббуси маҳалла аҳлинининг уюшқоқлик ва баҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари билан 10 минг овоз билан ғолиб деб топилиб, 4 км астфалт ётқизиш ишлари учун ички йўлларга шағал ётқизилмоқда.

Йўл қуриш ва унинг ободлигини таъминлаш савобли иш. Чунки, бу вазифа инсон қадри, эл розилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис жойларда ички йўлларни таъмирлаш бўйича мавжуд муаммоларнинг айнан фуқароларнинг талаб ҳамда таклифлари асосида ҳал этилиши уларнинг сифатли ва равон, манзилларнинг яқин бўлишига хизмат қиласи.

Маълумот ўрнида: "Ташаббусли бюджет" 2 мавсуми доирасида овоз бериш жорий йилнинг 27 август куни соат 10-00 дан бошланади.

2023-08-26 09:04:03